




**ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
ТАРАҚҚИЁТИ**
**РАЗВИТИЕ НАУКИ И
ТЕХНОЛОГИЙ**



6
2022



Бош муҳаррир:

ДЎСТОВ Ҳ.Б.

кимё фанлари доктори, профессор

Тахририят ҳайъати раиси:

БАРАКАЕВ Н.Р.

техника фанлари доктори, профессор

Муовини:

ШАРИПОВ М.З.

физика-математика фанлари доктори

Тахрир ҳайъати:

МУҚИМОВ К.М.

ЎзР ФА академиги (ЎзМУ)

ЖАЛИЛОВ А.Т.

ЎзР ФА академиги (Тошкент кимё-технология ИТИ)

НЕГМАТОВ С.Н.

ЎзР ФА академиги (“Фан ва тараққиёт” ДУК)

РИЗАЕВ А.А.

т.ф.д., профессор (ЎзР ФА Механика ва зилзила-бардошлилик ИТИ)

БАҲОДИРОВ Ғ. А.

т.ф.д., профессор, ЎзР ФА бош илмий котиби

МАЖИДОВ Қ.Х.

техника фанлари доктори, профессор

АСТАНОВ С.Х.

физика-математика фанлари доктори, профессор

РАХМОНОВ Х.Қ.

техника фанлари доктори, профессор

ВОХИДОВ М.М.

техника фанлари доктори, профессор

ЖЎРАЕВ Х.Ф.

техника фанлари доктори, профессор

САДУЛЛАЕВ Н.Н.

техника фанлари доктори, профессор

ФОЗИЛОВ С.Ф.

техника фанлари доктори, профессор

ИСАБАЕВ И.Б.

техника фанлари доктори, профессор

АБДУРАҲМОНОВ О.Р.

техника фанлари доктори, профессор

НИЗОМОВ А.Б.

иқтисод фанлари доктори, профессор

ТЕШАЕВ М.Х.

физика-математика фанлари доктори

ЮНУСОВА Ғ.С.

фалсафа фанлари доктори

ХАМИДОВ О.Х.

иқтисод фанлари доктори, профессор

ХОШИМОВ Ф.А.

т.ф.д., профессор (ЎзР ФА Энергетика институти)

АХМЕТЖАНОВ М.М.

педагогика фанлари номзоди, профессор

АЗИМОВ Б.Ф.

иқтисод фанлари номзоди, доцент

(махсус сонлар учун масъул)

Муҳаррирлар:

БАРАКАЕВА Д.Ф., ОРТИҚОВА С.Ж.

ИСТАМОВА Ғ.Х.

Мусахҳиҳлар:

БОЛТАЕВА З.З., САЙИТОВА К.Х.

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ТАРАҚҚИЁТИ

ИЛМИЙ – ТЕХНИКАВИЙ ЖУРНАЛ

РАЗВИТИЕ НАУКИ И

ТЕХНОЛОГИЙ

НАУЧНО – ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бухоро вилояти бошқармасида 2014 йил 22-сентябрда № 05-066-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган

Муассис:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2017 йил 29-мартдаги №239/5- сонли қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган.

Тахририят манзили:

200100, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, 15-уй,

Бухоро муҳандислик-технология институти биринчи биноси, 2-қават, 206-хона.

Тел: 0(365) 223-92-40

Факс: 0(365) 223-78-84

Электрон манзил:

E-mail: fantt_jurnal@umail.uz

Журналнинг тўлиқ электрон варианты билан <https://journal.bmti.uz/> сайти орқали танишиш мумкин.

Ушбу журналда чоп этилган материаллар тахририятнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман чоп этилиши мумкин эмас. Тахририятнинг фикри муаллифлар фикри билан ҳар доим ҳам мос тушмаслиги мумкин. Журналда ёритилган материалларнинг ҳаққонийлиги учун мақолаларнинг муаллифлари ва реклама берувчилар масъулдирлар.

МУНДАРИЖА - СОДЕРЖАНИЕ – CONTENT

ТЕХНИКА, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЖИҲОЗЛАР	
Муродов О.Ж., Адилова А.Ш., Саидова Н.А. Сравнение сил образующихся внутри циклона при отделении загрязнений пыли воздуха.....	4
Холмуродов М.Б., Шайматов Б.Х. Мелиоратив насос агрегатларининг ишлаш тавсифлари ва энергия тежаш режимларини таъминлаш вазифалари.....	15
Йулдошев Ш.С., Савриев Ш.Ш., Муртазов А.С. Влияние начального распределения концентрации горючего на параметры факела.....	20
Тошев Ш.О., Бозоров А.Н. Горизонтал кудукларни бурғилашда асосий параметрларни асослаш.....	23
Мухамедова З.Г., Ибрагимова Г.Р. Исследование математического моделирования формирования транспортных логистических терминалов.....	30
Хайтов Р.А. Исследование кинетики конвективной и солнечной сушки плодов дыни с применением ИК – обработки.....	40
Баракаев Н.Р., Жалилов Р.С. Основные расчеты движения газожидкостных потоков в пылеуловителях.....	44
Шойимова С.П. Шоли уруғини саралаш курилмасида тажриба тадқиқотларини ўтказиш усули ва методлари.....	49
Шойимов П., Муродов Б.Б., Муродова Б.Б. Уруғларни электр усулда саралаш ва экишга тайрлаш.....	56
КИМЁ ВА КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР	
Ochilov A.A., Adizov B.Z. Og'ir yuqori qovushqoqli neftlarning suv neft emulsiyalarini parchalash uchun deemulgatorlar.....	60
Шайкулов Б.К., Нуркулов Ф.Н., Джалилов А.Т. Изучение физико-химических свойств сополимеров синтезированных на основе акриловой кислоты.....	66
Каримова С.А., Фозилов С.Ф., Мавланов Б. А. Хинозолиндион-2,4-метоксиакрилат ва акрил мономерлар асосида сополимерларни синтез қилиш ва уларни дизел ёқилғиси физик-кимёвий хоссасига таъсири.....	70
Муродова З.О., Мусаев С.С. Кротон алдегид асосидаги олигомерлар-тўлдиргичларнинг олиниши.....	75
Жумаева А.А., Лутфуллаев С.Ш. ПВХ асосида олинадиган материалларнинг хоссаларига тўлдирувчиларнинг таъсири.....	79
Яхшиқулов И.С., Нуркулов Ф.Н., Джалилов А.Т. Табиий латекс асосида резина маҳсулотлари ишлаб чиқаришда коагуляция жараёнининг маҳсулот сифатига боғлиқлиги.....	86
Бектурганова С.С., Фозилов С.Ф. Метилэтилкетонни ажратиш ва тозалаш усуллари....	89
Темиров А.Х., Ахмедов В.Н., Олимов Б.Б. Нефть ва газ саноатида тиомочевина асосидаги ингибитор ингибирлаш хусусиятлари тадқиқи.....	95
Бойтемиров О.Э., Зиядуллаев О.Э., Икромов А. 3-метилгептин-1-ол-3 нинг айрим алифатик кетонлар билан реакцияси асосида ацетилен диоллари синтези.....	101
Мавланов Б.А. Дизель ёқилғисининг куйи ҳароратдаги хоссаларини яхшилайдиган депрессор присадкалар синтез қилиш технологиясини ишлаб чиқиш.....	110
Асланов Ш.Ч., Бухоров А.Қ., Файзуллаев Н.И. Синтез-газдан диметилэфирнинг каталитик синтези.....	116
Safarov J.A., Hayitov R.R. Ishlatilgan motor moylarini qayta ishlash orqali olingan yoqilg'i distillatlarining gaz xromato-mass-spektral tahlili.....	125
Нуриллоев З.И., Исматиллоева М.З. Цитизин ва ароматик альдегидлардан янги ҳосилалар синтези.....	131
Niyazov L.N., Brel A.K. Salitsil kislotaning glitsin bilan amidi va diamidining termik tahlili ...	136

Сафарова Н.С. Тиббий кимё дарсларини интегратив усуллар ёрдамида ташкиллаштириш.....	141
Ganiyev B.Sh., Avezov H.T., Salimov F.G‘., Xoliqova G.Q. Sianur kislota aralash ligandli komplekslarining rentgenofazaviy tahlili va biologik faolligini o‘rganish.....	146
Sultonova S.F., Norov I.I. Atsetamid va atsetilatsetonning xrom bilan hosil qilgan aralash geteroligandli kompleks birikmalarining sintezi.....	151
Karimov J.S. Salitsil kislota xlor ангидриди va tiomachevinaning reaksiyaga kirishish ehtimolligini aniqlash.....	156
Рахматов Ш.Б. Метанни оксиконденсатлаб этилен олишда коксланган катализаторнинг лаборатория шароитида регенерацияси.....	160
Джумаева М.К. Классификация и функция биологически активных веществ.....	167
Музаффарова Н.Ш., Нурқулов Ф.Н., Жалилов А.Т. Тўқимачилик матоларининг оловбардошлигини ошириш учун янги таркибли олигомер антипирен синтез қилиш.....	173
Рузиев И.Х., Тошматова Р.В. Влияние условий хроматографирования и структуры на хроматографическое удерживание некоторых производных изохиналина.....	177
G‘apurov U.U., Niyazov L.N., Tutar Y. P-aminobenzoy kislotasining gidrooksibenzoy kislotalari bilan hosil qilgan amidlarining termogravimetrik tahlili.....	182
Sadullayeva G.G‘. Azot saqlagan muhim geterosiklik birikmalarining tibbiyotdagi ahamiyati...	187
МАШИНАСОЗЛИК ВА ЭНЕРГЕТИКА	
Қодиров Д.Б., Давиров А.Қ. Микрогидроэлектростанция ўрнатиш учун сув оқим микдорининг математик тавсифи.....	193
Muzaffarov F.F. Vertikal o‘qli shamol energetik qurilmalarining aerodinamik sirlari hamda ularga ta’sir ko‘rsatuvchi kattaliklar.....	201
Мухамедова З.Г., Тулаев А.У. Оценка состояния железнодорожной отрасли Узбекистана.....	207
Бабаназарова Н.К. Обоснование необходимости компенсации реактивной мощности на промышленных предприятиях Узбекистана.....	214
Рахманов И.У., Нематов Л.А. Анализ текущего состояния повышения энергоэффективности на промышленных предприятиях республики Узбекистан.....	219
ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ – КОММУНИКАЦИОН ТИЗИМЛАР	
Жураев Ж.У., Хуррамов Л.Я. Функцияларни лагранж ва ньютон усулида интерполяциялаш аниқлигини ошириш.....	225
Диёров Х.Г., Акрамов А.А., Росулов Р.Х. Дориланган уруғлик чигитни такомиллаштирилган аралаштиргич барабининг рационал параметрларини тажрибаларни математик режалаштириш орқали аниқлаш.....	231
ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
Неъматова С.Н., Суванова Ф.У. Исследование растительных масел для купажирования.....	236
Эргашева Х.Б., Юлдашева Ш.Ж., Исматова Ш.Н. Маккажўхори ёрмасининг чиқишига гидротермик ишлов беришни таъсири.....	241
ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	
Saidova A.S, Mirzayeva S.S. Paxta xomashyosini mayda iflosliklardan tozalash samaradorligini oshirish maqsadida tozalagich konstruksiyasini takomillashtirish.....	246
Сабиров И.К., Абдуллаев Ш.Ю., Парпиев А.П. Фарамда сақланган паст навли пахталарнинг сифат кўрсаткичлари таҳлили.....	250
Мирзабоев Ж.Б. Ип йигириш корхоналарида тола тозалагичнинг ишчи қисмларини такомиллаштириш орқали тола хоссаларини сақлаб қолишга эришиш.....	254
Парпиев А.П., Кузиев Б.Н., Қаршиев Б.Э., Турдиниёзова Х.Ғ. Тозалаш жараёнида ажратилган чиқинди тузилма таркибининг амалий тажрибалардаги таҳлили.....	259
Парпиев А.П., Сабиров И.К., Исмоилов И.Д., Қаршиев Б.Э. Қуритиш барабанлари ташқи юзаси ҳарорати ўзгариши таҳлили.....	265
Турсунова З.Н., Ражабова Г.Ж. Тикув цехида иш ўринларини жойлаштириш.....	269

Махмудова Г.О. Анализ автоматической системы приёма хлопка-сырца в хлопкоочистительных заводах.....	274
Мирсултанов И.М., Сафаров Н.М. Изучение способов снижения расхода во время сушки высококачественного хлопка сырца.....	278
Джураев А., Бехбудов Ш.Х., Мансурова М.А. Эффективная и ресурсосберегающая конструктивная схема для нанесения полимерной композиции на стачиваемые детали одежды.....	286
Хаитов А.А. Разработка технологии наполнения кож белково-полимерными композициями.....	291
Джураев А.Дж., Жўраев Д.Д. Эффективная конструкция сепаратора для разделения рушанки хлопковых семян.....	294
Новрузов С., Джураев А., Аббазов И., Шаропов Б., Суннатов Д. Пахтани майда ифлосликлардан тозалагич барабанини қия қозикчалари билан толали чигит орасидаги ишқаланиш кучини аниқлаш.....	298
Гафурова Н.Т., Хикматов Н.И., Баракаева Д.Ф. Тикувчилик ва трикотаж саноати чиқиндиларини қайта ишлаш.....	303
АНИҚ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАНЛАР	
Sohibov T.F., Ne'matova Z.N. “Sanoat 4.0” va uning ta’lim tizimiga qo’yadigan talablari.....	309
Найимов С.Н. Ономастик бирлик тушунчаси ва ономастик бирликларнинг типлари	318
Астанов С.Х., Касимова С.Х., Мухамедова А.Б. Спектры линейного дихроизма и их применение.....	323
Вахитов М.М., Тожиев И.И. Реставрационные модифицированные растворы на основе местного гипса для архитектурных памятников Бухары.....	329
Яшнарьбеков А.Я. Юридик-техник нормалар тушунчаси, моҳияти ва ҳуқуқий табиати....	336
Хайитов Ш.Н. Янги иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг роли.....	341

ҚУРИТИШ БАРАБАНЛАРИНИНГ ТАШҚИ ЮЗАСИ ҲАРОРАТИ ЎЗГАРИШИ ТАҲЛИЛИ

Парпиев А.П., Сабиров И.К., Исмоилов И.Д., Қаршиев Б.Э.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти.

Аннотация. Мақолада пахта тозалаш корхоналарида ишлатилаётган қуритиш барабанлари ташқи юзаларининг қизиш ҳарорати, атмосферага чиқиб кетиши аниқланганлиги ва натижалари таҳлили баён қилинган. Пахтани қуритиш ускуналаридан ҳавога ажралаётган иссиқлик бўйича қўлаб тажрибалар ўтказиш кераклиги аниқланган.

Калит сўзлар: қуритиш, иссиқлик ўтказиш, пахта намлиги, қуритиш ҳарорати, иссиқлик сарфи, иссиқ ҳаво, пахта, қуритиш барабани, иссиқлик миқдори.

АНАЛИЗ ИЗМЕНЕНИЯ ТЕМПЕРАТУРЫ НАРУЖНОЙ ПОВЕРХНОСТИ СУШИЛЬНЫХ БАРАБАНОВ

Парпиев А.П., Сабиров И.К., Исмоилов И.Д., Қаршиев Б.Э.

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности.

Аннотация. В статье определена температура нагрева наружных поверхностей сушильных барабанов, используемых на хлопкоочистительных предприятиях, утечка в атмосферу горячего воздуха, а также проанализированы их результаты. Было определено, что необходимо провести много экспериментов по выходу горячего воздуха выделяемого оборудованием для сушки хлопка-сырца в атмосферу.

Ключевые слова: хлопок-сырец, сушка, теплопроницаемость, влажность хлопка-сырца, температура сушки, расход тепла, горячий воздух, сушильный барабан, количество горячего воздуха.

ANALYSIS OF TEMPERATURE CHANGES IN THE OUTER SURFACE OF DRYING DRUMS

Parpiyev A.P., Sabirov I.K., Ismoilov I.D., Karshiyev B.E.

Tashkent textile and light industry institute.

Annotation. The article states determining the heating temperature of the outer surfaces of the drying drums used in cotton ginning enterprises, the leakage of hot air into the atmosphere, and analyses of their results. It was determined that many experiments were needed to release the hot air emitted by the raw cotton drying equipment into the atmosphere.

Key words: Cotton, drying, thermal conductivity, moisture cotton, drying temperature, heat consumption, hot air, drying drum, amount of hot air.

Жахон тўқимачилик саноатида пахта толаси табиий маҳсулот сифатида харидоргир ва ишлатилиш ҳажми бўйича катта аҳамият касб этади.

Пахта тозалаш саноатининг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун барча пахта етиштирувчи давлатларда пахта тозалаш техника ва технологияларини такомиллаштириш ва янгиларини яратиш бўйича кенг камровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга янги конструкциядаги ресурстежамкор қуритиш ускунасини ишлаб чиқиш, унинг параметрларини асослаш, пахтани қайта ишлашда тола сифатини сақлаш, самарадорлигини оширувчи ресурстежамкор қисмлар билан таъминлаш ва энергия сарфини камайтириш зарур ҳисобланади [1].

Республикамизда пахта ва тўқимачилик саноатига эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу соҳаларда фаолият юритувчи корхоналар сони ҳам ошиб бормоқда. Корхоналарда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техника ва технологияларни энергиятежамкор, ресурстежамкор вариантларини яратиш олимлар олдига муҳим вазифаларни қўймоқда.

Пахта тозалаш корхоналарида ҳозирги кунда пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш учун, яъни қуритиш учун, асосан, 2СБ-10 русумли барабан типидagi қуритгичлардан фойдаланилади. 2СБ-10 русумли барабанлар конструкциясининг оддийлиги, эксплуатация қилишининг соддалиги ва пахта хом ашёсининг тўхтаб қолишсиз ишлаши билан ажралиб туради [2, 3].

Барабанли қуритгичларда пахтадан намликни ажратиш иссиқ ҳаво ҳисобига амалга оширилади. Барабанларни иссиқлик билан таъминлаш махсус иссиқлик ишлаб чиқарувчи қурилмалар ёрдамида амалга оширилади. Пахта тозалаш корхоналаридаги барабанли қуритгичларни иссиқлик билан таъминлаш учун табиий газ билан ишлайдиган ТТ-1,5 русумли иссиқлик генератори, табиий газ ва суюқ ёқилғиларда ишлайдиган ТЖ-1,5 ва ИИЧ-1,9 русумли иссиқлик ишлаб чиқувчи агрегатлардан фойдаланилади [4].

Иссиқ ҳаво бир вақтнинг ўзида нам пахтани қуритиш, уни барабан ичида ҳаракатлантириш, яъни барабан узунлиги бўйлаб суриш ва пахтадан ажралган намликни олиб чиқиб кетиш вазифаларини бажаради. Барабанли қуритгичларга бериладиган иссиқ ҳаво миқдори пахтадаги намлик миқдорига ва қуритиш барабани русумига қараб, асосан, 18000-24000 м³гача сарфланади. Олимлар томонидан барабанга бериладиган иссиқ ҳаво миқдори нималарга сарфланиши аниқланган ва у қуйидагича:

- барабанни қиздиришга-6%;
- нам пахтани қиздиришга-11%;
- нам пахтадаги сувни буғлатишга-35%;
- ишлатилган ҳаво билан бирга ташқи муҳитга чиқиб кетишига-40%,
- барабан юзаси орқали ташқи муҳитга чиқиб кетишига-8%.

Ушбу кўрсаткичлар қуритиш барабанини иш унумдорлиги 12 т/соат, ҳаво ҳарорати 250-280°С пахта намлиги 17 % дан юқори бўлган ҳолат учун аниқланган. Ушбу ҳолат барабанга берилётган иссиқ ҳаводан фойдаланиш даражаси паст, у ўз иссиқлигини етарли даражада пахтани қуритишга сарфламасдан атмосферага чиқиб кетади [5].

Пахтани қуритиш барабанлари ва иссиқ ҳаво қувурларидан ажралиб чиқаётган иссиқликни олдини олиш ва пахта тозалаш корхоналаридаги ортиқча энергия сарфини бартараф этиш кераклиги аниқланган [6].

Тажриба қуйидаги тартибда амалга оширилди.

Қуритиш барабани ташқи кўндаланг кесими бўйича ҳар бир метрида 5 марта қайталиқда барабан юзаси ҳарорати аниқланди, яъни барабан кўндаланг кесимида чап қисмидан бошлаб 1,2,3,4,5,6 нуқталар белгилаб олинди ва ҳароратлари аниқланиб тажриба амалга оширилди. Олинган натижалар 1 ва 2 – жадвалларда келтирилган бўлиб жадваллар асосида 1-расмдаги графиклар олинди.

1-жадвал

Дўстлик пахта тозалаш корхонасида 2СБ-10 қуритиш барабани узунлиги бўйича ҳарорат ўзгариши, °С (барабанга берилётган иссиқ ҳаво ҳарорати 180 °С)

Барабан узунлиги, м	Олинган нуқталар					
	1	2	3	4	5	6
0-метр	38,7	41,0	38,5	33,1	39,5	42,6
1-метр	45,1	48,3	46,8	30,3	43,2	38,1
2-метр	47,6	51,3	45,0	29,9	44,4	45,2
3-метр	49,5	51,6	43,9	33,3	43,4	44,2
4-метр	48,0	49,0	37,4	27,1	39,9	39,4
5-метр	46,3	47,1	40,3	23,2	35,6	35,3
6-метр	46,4	47,5	40,3	22,1	33,6	32,8
7-метр	45,1	46,4	37,8	21,1	32,5	31,7
8-метр	43,6	44,0	35,2	21,5	31,6	30,2
9-метр	41,4	42,0	31,1	20,9	31,3	29,0
10-метр	33,8	35,8	27,6	19,0	26,6	26,0


Қуритиш барабанларига берилётган иссиқликдан максимал фойдаланиш мақсадида қуритиш барабани юзасидан ташқи ҳавога ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори таҳлил

қилинди. Тажрибалар “Дўстлик” пахта тозалаш корхонасида фойдаланилаётган 2СБ-10 русумли барабанли куритгичларга иссиқ ҳаво ҳарорати 180°C ва 210°C ҳаво берилиб барабан ташқи юзаси узунлиги бўйича ўзгаришини аниқлаш ишлари олиб борилган. Ҳароратни аниқлаш учун аниқлиги - 32°C дан +320°C гача бўлган SMART SENSOR AR320 маркали лазерли термометрдан фойдаланилди.


2-жадвал

Дўстлик пахта тозалаш корхонасида 2СБ-10 куритиш барабани узунлиги бўйича ҳарорат ўзгариши, °C (барабанга берилаётган иссиқ ҳаво ҳарорати 210 °C)

Барабан узунлиги, м	Олинган нуқталар					
	1	2	3	4	5	6
0-метр	32,0	33,6	32,5	36,5	39,2	37,3
1-метр	38,9	41,3	40,0	36,7	38,9	36,8
2-метр	43,2	45,3	44,6	40,2	44,3	42,5
3-метр	44,5	46,9	46,6	47,9	49,2	48,1
4-метр	44,9	46,2	46,4	47,0	46,8	44,8
5-метр	43,2	44,7	42,7	44,0	44,6	43,4
6-метр	39,2	41,2	40,5	42,3	42,5	42,0
7-метр	38,5	40,0	39,6	39,9	40,2	39,6
8-метр	36,1	39,6	38,0	38,1	38,1	37,0
9-метр	35,3	38,2	37,1	35,8	36,1	35,3
10-метр	26,4	32,7	32,9	33,1	34,0	33,0



а) 2СБ-10 куритиш барабани (куритиш агенти ҳарорати 180 °C)



б) 2СБ-10 қуритиш барабани (қуритиш агенти ҳарорати 210 °С)

1-расм. Қуритиш барабанлари ташқи юзаси ҳарорати узунлиги бўйича ҳар хил нуқталарда ўзгариши. 1-биринчи нуқта; 2-иккинчи нуқта; 3-учинчи нуқта; 4-тўртинчи нуқта; 5-бешинчи нуқта; 6-олтинчи нуқта.

Пахта тозалаш корхоналарида қуритиш барабанини ишлатиш тажрибаси Г.В. Банников олган натижалар амалиётда тасдиқланмаганлигини кўрсатди. Г.В. Банников қуритиш барабани юзасининг қизиш ҳарорати 30-35°C дан ошмайди, шунинг учун уни иссиқлик сақловчи қопламалар билан ўраш шарт эмас деб тавсия берган, иссиқлик узатиш тизими эса эътиборга олинмаган [7].

Жадваллардан кўришиб турибдики, барабан ташқи юзасининг узунлиги бўйича ҳарорати маълум қонуният билан ўзгарар экан. 1а ва 1б расмларда кўриш мумкинки, бошланғич 3 метргача кўтарилиб, сўнгра пасайиши жараёни бошланар экан. Қуритиш ҳарорати 180°C да бўлганда барабан юзаси ҳарорати 19°C дан 51,6°C га ўзгарса, қуритиш ҳарорати 210°C бўлганда барабан юзаси ҳарорати 26,4°C дан 49,2°C гача ўзгарар экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қуритиш барабани юзасининг қизиши аҳамиятли даражада бўлиб барабанга узатилаётган иссиқ ҳавонинг маълум қисми ташқи муҳитга ажралиб чиқаётганини кўришимиз мумкин.

Ўтказилган тажрибалардан қуритиш барабан юзаси иссиқлик йўқолишини минималлаштириш мақсадида иссиқлик ўтказмайдиган материаллар билан қоплаш кераклиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И. Сабиров, И. Исмоилов, И. Қахрамонова. Пахтани қуритишда иссиқлик сарфини таҳлили. ТТЕСИ. Республика илмий-амалий анжумани Тошкент 2022 йил. с. 3-5
2. А. Парпиев, М. Ахматов, А. Усмонқулов, М. Мўминов. Пахта хом ашёсини қуритиш. Дарслик. Чўлпон. Тошкент. 2009й
3. А. Парпиев., И.К. Сабиров., И.Д. Исмоилов., Х.А. Гатаев. Қуритиш жараёнида ажралиб чиқаётган иссиқлик сарфини таҳлили. “Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида инновацион технологияларни жорий этишда олий таълим ва ишлаб чиқариш корхоналарининг тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияси. Термиз. 2022й. с. 435-438
4. “Пахтани дастлабки ишлашнинг мувофицлаштирилган технологияси” ПДИ-70-2017. “Ўзпахтасаноат илмий маркази”. Тошкент. 2017 йил.

5. А. Парпиев, Ю. Купалова. Куритиш барабани юзаси ҳароратини барабан узунлиги бўйича ўзгариши. “Актуальные проблемы внедрения инновационной техники и технологий на предприятиях по производству строительных материалов, химической промышленности и в смежных отраслях” Международная научно-практическая конференция. Фергана 2019й. с. 287-289
6. Парпиев А., Купалова Ю.И., Усмонкулов А.К. Куритиш барабанида кондуктив усулда иссиқлик алмашув жараёни тахлили. Механика муаммолари илмий техникавий журналы. №2, 2018. 69-71б.
7. Г.Б. Банников. Исследования сушки хлопка-сырца в сушилках барабанного типа при его первичной обработке. Дисс. канд. техн. наук. Ташкент. 2001 г.

Исмоилов Иброҳим – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти. Тел: +998 (90) 900 24 36 Ibrohimismoilov0707@gmail.com

ТИКУВ ЦЕХИДА ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

Турсунова З.Н., Ражабова Г.Ж.

Бухоро муҳандислик-технология институти.

Аннотация. Мақолада тикувчилик корхоналарини лойиҳалашда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни давомида материаллар, бичиқлар, чала тайёр буюмлар ҳамда тайёр маҳсулот бетўхтов ҳаракатда қўлланиладиган транспорт воситаларининг турлари баён қилинган.

Таянч иборалар: тикувчилик, корхона, ишлаб чиқариш, буюм, тикув цехи, транспорт воситалари, транспортёр, лентали, люлкали, конвейерли, оралиқ стол, жавон, жиҳоз, механик, контейнер-аравача, стеллаж-аравача, кронштейн-аравача, платформа-аравача.

РАЗМЕЩЕНИЕ РАБОЧИХ МЕСТ В ШВЕЙНОМ ЦЕХЕ

Турсунова З.Н., Ражабова Г.Ж.

Бухарский инженерно-технологический институт.

Аннотация. В статье приведены виды транспортных средств, используемых при проектировании швейных предприятий, являются материалы, пила, полуфабрикаты и готовые изделия, находящиеся в безостановочном движении в процессе производства.

Ключевые слова: Швейная, предприятие, производство, изделие, швейный цех, транспортные средства, транспортёр, ленточный, люлечный, конвейерный, междустолье, стеллаж, оборудование, механик, контейнер-тележка, стеллаж-тележка, кронштейн-тележка, платформа-тележка.

PLACEMENT OF JOBS IN THE SEWING SHOP

Tursunova Z.N., Rajabova G.J.

Bukhara engineering-technological institute.

Annotation. The types of vehicles used in the design of sewing enterprises presented in this article, are materials, saws, semi-finished products and finished products that are in non-stop motion in the production process.

Key words: Sewing, enterprise, production, product, sewing shop, vehicles, conveyor, belt, cradle, conveyor, table space, rack, equipment, mechanic, container-cart, rack-cart, bracket-cart, platform-cart.

Тикувчилик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш шундай ташкил қилинадики, ишлаб чиқариш жараёни давомида материаллар, бичиқлар, чала тайёр буюмлар ҳамда тайёр маҳсулот бетўхтов ҳаракатда бўлади.

Бу операцияларни бажариш учун турли хил транспорт воситалари қўлланилади. Шу сабабли корхоналарда транспорт хўжалиги ташкил қилинган. Транспорт хизмат қилиш зонасига кўра ташки ва ички транспорт турларига бўлинади.